

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 13-noyabr, chorshanba № 87 (15725)

Navqiron avlod so'zi

Ўз устахонам бўлади

Яқинда пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида бўлиб ўтган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» номли республика кўргазмасида хунармандлик ишларим билан қатнашиб, махсус сертификат билан тақдирландим. Мамлакатимизда хунармандлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар тўғрисида мен каби ёш хунармандлар мана шундай нуфузли кўргазмаларда иштирок этиб, ўз маҳсулотларимизни кенг оммага таништиряпмиз.

Кўргазмада кўплаб корхона ва ташкилотлар сувенир қутичалар ва терига туширилган расмли маҳсулотларимга қизиқиш билдириб, келгусида ҳамкорлик қилиш истаги борлигини билдиришди. Хунар — зар дейишади. Мен ҳам хунар ўрганиш учун етти йил пойтахтимиздаги Абулқосим мадрасасида ўқишдан бўш вақтларим қоровуллик қилиб, у ердаги уста-хунармандлардан турли буюмлар ясашни, унга нақш ва лак бериш сирларини ўргандим. Кейинчалик Самарқандга бориб терига расм чизиш санъатини эгалладим. Шу орқали Самарқанд хунармандчилиги мактабини ҳам ўрганиб қайтдим.

Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, хунар ўрганиш учун етарли шароитлар яратилган. У ерларда устоз-шогирдлик анъанаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Мана шундай мактабларда орттирган билим ва маҳоратим ёрдамида ўзим ҳам Қорақалпоғистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб, хунарманд деган номга эришдим. Бугун барча устозларимдан миннатдорман. Уларнинг маслаҳат ва кўрсатмалари ҳамда ўзим яратган маҳсулотлар билан «Ташаббус» кўрик-танлови ва «БазарАрт» кўргазма-ярмаркаларида қатнашиб келяпман. Жорий йил «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичи совриндори бўлдим.

Албатта, бу каби танловлар мендай ёш хунармандларни қўллаб-қувватлашга, ижодий маҳсулотларимизни нафақат юртимизда намойиш этиш, балки чет элларга ҳам олиб чиқишга кўмаклашмоқда. Бугун хунармандлик билан шуғулланиш истагида бўлган тенгдошларим учун барча шароитлар етарли. Биз хунармандлар даромад солиғидан ҳам озод этилганмиз. Мен ҳам мавжуд имкониятлардан имкон қадар самарали фойдаланган ҳолда ўз ишимни мустақил олиб боряпман. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида ўз устахонамни ташкил этаяпман. У ерда устоз-шогирдлик анъанасини йўлга қўйган ҳолда қорақалпоқ хунармандчилигини ривожлантириш ниятидаман. Ҳозирча кичик сувенирларга ва теридан ишланган портретларга Қорақалпоғистон Республикасидаги қадимий обидалар ва хунармандчилик намуналарининг суратларини тушириб ишляпман. Шу орқали қорақалпоқ маданиятини, унинг тарихини кенг оммага таништиряпман.

Келгусида дунё кўргазмалари павильонларида қорақалпоқ хунармандчилиги акс этган ижодий ишларим билан қатнашиш орзусидаман. Албатта, бунга эришаман ҳам. Бунинг учун биз, хунармандларга шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Фақат ижодий меҳнатдан тўхтамаслигимиз керак, холос.

Мирбек ТОЖИМУРОТОВ,
ёш хунарманд,
«Ташаббус — 2013»
кўрик-танлови совриндори



Ташаббуслар қанот ёймоқда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида жорий йилнинг 5 — 10 ноябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бirlashaylik» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти етакчиларининг биринчи республика форуми ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 4 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чоратadbирлар Дастури»га мувофиқ амалга оширилган ушбу лойиҳа юртимиз олий ўқув юртларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг ўзаро тажриба алмашиши, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиши учун айна мудоа бўлди. Форум етакчилар орасида илгор

тажрибаларни оммалаштириш, уларнинг етакчилиги қобилиятларини ривожлантириш, БТлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг келажакдаги вазифаларини белгилаб олиш ҳамда фаолиятини бугунги ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган муҳим тадбир бўлди. Унда, шунингдек, фуқаролик жамиятини

шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт вакиллари, «Камолот» ЁИХ қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси раҳбар ва тренерлари ҳам қатнашди. Форумга отланаётиб, тўғриси, бироз чўчидик. Символ устунининг пастга қараб силжиётганига анча бўлди. Ахир, куз бўлса, ҳаво анча совиб кетган... Кечки пайт бўлса-да, йўлга отланаётган ёшларнинг хуш кайфияти, тетиклигини

кўриб хавотирларимиз ҳам тарқаб кетди. Бўстонлиқ туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳи томон йўл олган автобусларда юртимиздаги барча олий таълим муассасаларидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари бор эди. Кета-кетгунча ёшлар ўйнаб-кулиб, кўшиқ айтиб боришди. Шу тахлит кўп ўтмай, оромгоҳга ҳам етиб келдик.

(Давоми 5-саҳифада)

Shunday markaz bor

Беш тўғаракнинг иши «беш»

...Хоразмда шундай марказ бор эмиш, у ерда ёшлар бепул касб-хунар ўрганаётган экан, деган гапларни эшитганимга анча бўлди. Тўғриси, ўшанда «текин шўрва татирмиди?», дея марказга унчалик қизиқмагандим, кейинчалик у эсимдан ҳам чиқиб кетди.



Яқинда хоразмлик дугонам Наргиза билан телефонда гаплашиб қолдик: у билан шу йил баҳорда Хоразмда ўтказилган «Талабалар баҳори» фестивалида танишгандим. Наргиза қандолатчилик тўғрагида турли пишириқлар тайёрлашни бепул ўрганаётганини айтди. Телефондаги «ММС» хизмати орқали пиширган ширинликларининг расмини ҳам жўнатди.

Чиндан, улар жуда ажойиб эди. Шунда хаёлимда анча олдин эшитган қанақадир бепул ўқитадиган марказ ҳақидаги мақтов гаплар чарх урди. Вақтни бой бермай, дарров у бўйича маълумот тўплашга киришдим. Ва ниҳоят, топдим. У «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази экан.

Марказда бешта — Ёш оилаларга психологик, педагогик ва ҳуқуқий кўмак бериш, қандолатчилик, компьютер сабоқлари, англиз тили, элита пардалар ва умумий тикувчилик тўғрақлари мавжуд. Мен дастлаб, бу ердаги элита пардалар ва умумий тикувчилик тўғрақига бордим. Унда худди парда ишлаб чиқарувчи фирмада-

гидек замонавий элита пардалар тикилаётганини кўрдим. Тўғарак раҳбари Наргиза Сапарбоева эса шогирдларига матони кесиш, парда ўлчамини тўғри олишни ўргатаётган экан. Кузатиб туриб, у ёқ-бу ёқдан гап бошладим. Аммо тикувчилар табиатан кўп гапни хушлашмайдим, ишқилиб, қисқа жавоб билан чегараланишди. Халақит бермай, дедим-да, англиз тили тўғрагидаги икки соатлик дарсга қатнашдим. У ерда икки бола «My free time» мавзусида гаплашишди. Инглизчада қийналмай сўзлашишарди.

— Тўғаракка келганимда тилни яхши билмасдим, — дейди Урганч шаҳридаги 11-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Расул Болтаев. — Устозим Бахтиёр Аметов инглизча ёзишни, гапиришни, ўқишни, тўғри талаффуз қилишни ўргатди. Кўрганингиздек, бемалол мулоқот қилаяпман.

Ҳозир ушбу тўғаракка қатнаётган ўттиз етти нафар ўқувчининг бари худди Расулдек чет тилида бемалол гаплашади. Бундан хайратланмай бўлмасди. Негаки, улар шу даражага икки ойда эришган.

Сўнгра компьютер сабоқлари тўғрагида бўлдим. Бу ерда тўғарак аъзолари компьютердан бошланғич билимни олаётган бўлса керак, дея янглишибман. Адолат Раҳмонова уларга мураккаб дастурлар билан ишлашни ўргатаётган экан.

— Бу «Photoshop», буниси эса «Ulead» дастури. «Photoshop»да расмлар устида амаллар бажарамиз. «Ulead» эса видеолар ишлашга жуда қулай, — дейди тўғарак аъзоси Баҳром Жуманов.

Ҳа, Баҳром дастурларни билганича тушунтирди ва мени технологияларнинг янги имкониятларидан хабардор қилди.

Биласизми, бугунгача шундай марказларнинг беш-олтитасида бўлганман. Лекин уларда ёш оилаларга психологик, педагогик, ва ҳуқуқий кўмак бериш тўғраги мавжудлигини кўрмаганман, эшитмаганман ҳам. Ушбу марказда эса шунақа тўғарак бор экан. Унда қирқ икки нафар тенгдошимиз оила психологияси, бола тарбияси ҳақида билим ва кўникмаларни эгаллаётган экан.

Қандолатчилик тўғрагидагиларга бугун дарс йўқлиги учун, оғзаки маълумотнома билангина кифояландим.

— Қизлар бу ерда турли пишириқлар пиширади, — дейди марказ координатори Хуршида Бобожонова. — Гўзал санъат асари даражасидаги торт, ширинликларни кўрсангиз эди, ҳавасингиз келарди...

Хуршида опа тўғарак ҳақидаги гувоҳнома-расмларни кўрсатди.

— Нечук бизни марказ? — деб сўради.

— Э-э, гап йўқ, — дедим, чиндан бу ҳаракатлардан севинганча. — Мен тўғараклардаги иш хўжақўрсинга бўлса керак, деб ўйлагандим. Қарасам, унақа эмас, анча яхши, тўғрироғи, зўр экан.

Хуршида опа гапимга жилмайди. Ва мени хоразмчасига нон-туз билан сийлади.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

2013-yil — Obod turmush yili

Алишер Навоий номли кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Виждон» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Маҳалла фидойилари ҳақида фильм

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида суратга олинган ушбу фильмда Президентимиз Ислам Каримов томонидан миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими сифатида маҳалла институтини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ваколат ва имкониятларини кенгайтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ислохотлар бераётган самаралар ҳақида ҳикоя қилинган.

Картинада «Барҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси фаолияти, унинг ҳудудда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш, ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш, болалар спортини ривожлантиришга оид хайрли ишларга бош-қош бўлиши, бу йўлда айрим тўсқинликларни енгиб ўтишига оид воқеалар ҳаётий лавҳалар орқали очиб берилди.

Эзу қадриятларимиз бардавомлигини тараннум этувчи мазкур фильм сценарий муаллифлари — Хуршид Дўстмухамедов, Абдуқоюм Йўлдошев, Баҳодир Одилов, постановкачи режиссёр Аҳмадҷон Унарбоев, постановкачи оператор Бахтиёр Раҳмонов, постановкачи расмол Алишер Умрзоқов ҳамкорлигида яратилган. Фильмда бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд Исмоилов, Муяссар Бердиқулова, Ойша Жўраева, актёрлар Миролим Қиличев, Саида Саидбекова ижро этган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

E'tiborli mavzu

Ёшлар психологиясини бошқарадиган, уларнинг ақл-идроқи, онгини эгалловчи иллатлардан бири бу, шубҳасиз, одам савдосидир. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

Огоҳ бўлайлик, афсусланиб қолмайлик!

Унда одам савдоси жабрдийдаларини аксар ҳолларда, тажрибасиз, маънавий ва мафкуравий иммунитетини саёз ёшлар ташкил этаётгани, алдов ва куруқ ваъдалар орқали уларнинг шахсий ҳужжатлари олиб қўйилаётгани, миллий маданиятга нисбатан эътиборсизлик долзарб муаммога айланаётгани таъкидланди. Шунингдек, шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

— Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятнинг оғир тури бўлиб, бу жараёнда инсон устидан тўлиқ назорат ўрнатилди, — дейди «Истикболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази мутахассиси Шоҳида Қосимова. — Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, ҳозирда бу савдодан жабр кўрганларнинг саксон фоизини аёллар ва болалар ташкил этапти.

Сўнгра давра суҳбати якунидаги марказнинг ҳуқуқшунос ва психологлари берган қимматли маълумот ва тавсиялар, ҳаётий мисоллар асосидаги хулосалар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси



КАМОЛОТ

Ўқиймиз... Изланамиз... Ҳаётдан завқ оламиз!



«Юртимни бутун дунёга танитишни устайман»

Бош саҳифа, янгиликлар, Жиззах, эълонлар, афиша, ташкилот ва корхоналар, фотоальбом, бўш иш ўрни каби рунлардан иборат ушбу сайт жорий йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси ва бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган «Mit.uz» — миллий интернет танловида «Маҳалла, қишлоқ ва шаҳар фаровон ҳаётини акс эттирган энг яхши сайт» номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Илк бор ўтказилган ушбу танлов юртимизда юзлаб ана шундай миллий сайтлар яратилишига хизмат қилди.

Сайтнинг бош саҳифасида мамлакатимиз ва Жиззах вилоятидаги янгиликлар, корхона ва ташкилотлар, эълонлар ҳамда туркум қизиқарли мақолалар ўрин олган. Китоб харид қилмоқчи бўлсангиз ёки спорт тўғрисида шугулланишни истасангиз, эълонлар рункига кириш. Бу ерда сизу бизга зарур бўладиган маълумотлар ва йўналишлар ҳақида маълумотлар берилган. Жиззах вилоятига бормаган ёки у ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлар Жиззах рунки орқали вилоят ҳақида, унинг тарихи, аҳолиси, иқтисоди, транспорти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳасида, спорт, қадимий қадамжолар, адабиёти, матбуоти, радио ва телевидениеси, минерал-хомашё ресурсларидан тўлиқ хабардор бўлади. Фотоальбом рунки орқали вилоятнинг бетакдор манзаралари акс этган суратларни томоша қиласиз.

Албатта, сайтнинг шу тариқа шаклланиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда Феруз Раҳимовнинг меҳнати катта. Ферузбек ушбу сайтни яратиш орқали хорижий сармоядорларга юртимизнинг инвестицияга муҳитини танитиш, туристларга вилоятнинг сайёҳлик имкониятларини кўрсатиш, уларга юртимиз ҳақида тўлиқ маълумот бериш ҳамда фаровон ҳаётимиз билан таништиришни мақсад қилган. Айни кунда Жиззах вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасида бош мутахассис бўлиб ишлаётган Ферузбек 2008 йилгача Тошкент ислом университетида ўқиб, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислигини олган. Асосий иш фаолияти вилоятга хорижий сармояларни жалб қилиш, худудий экспортни ва туризм соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашишдан иборат бўлган Ферузбек сайтни яратиш орқали вилоятнинг фаровон

ҳаётини нафақат чет элликларга, балки қишлоқдошлари, маҳалладошларига ҳам етказиш, қолаверса Жиззахликлар билан доимий мулоқотда бўлишни мақсад қилганини айтади.

— Икки йил сайт яратиш мақсадида юрганман, — дейди Жиззах вилоятининг ахборот портали — jz.uz сайти муаллифи Феруз Раҳимов. — Мамлакатимизда ёшларга ва ахборот технологияларига бўлган эътибор натижасида ушбу сайтни яратдик. Тўғриси, «Mit.uz» — миллий интернет танловида голиб бўлган, деб уйламагандим. Чунки бизнинг сайтимиздан техник жиҳатдан мукамал ишланган сайтлар ҳам бор эди. Лекин jz.uz сайти кўпроқ миллийликка эътибор қаратгани учун «Маҳалла, қишлоқ ва шаҳар фаровон ҳаётини акс эттирган энг яхши сайт» номинацияси голиби бўлди. Ушбу танлов орқали ўқувчилар учун фойдали бўлган кўплаб сайтлар яратилди. Эндиликда уларнинг давомийлигини таъминлай олишимиз керак, холос.

Ферузбек Жиззах вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастури лойиҳасида ҳам иштирок этиб келмоқда. Бугун jz.uz сайтига ташриф буюрувчиларнинг аксарияти Жиззахликлар бўлиб, улар вилоятнинг энг сўнги янгиликлари, афиша ва эълонлари билан танишмоқда. Бепул эълонлар, корхона ва ташкилотлар каталогига ўз маълумотларини қолдириш эса фойдаланувчилар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда. Вилоят ҳаёти акс этган фотосуратларни бериб бориш Ферузнинг асосий мақсадларидан эди.

— Шу кунларда сайтимизга Жиззах вилоятининг интерфаол харитасини жойлаштириш ниятидаман, — таъкидлайди ёш дастурчи. — Ушбу харита орқали маҳаллий аҳоли, хусусан, вилоятга келаётган меҳмонлар ҳам ўз манзилни адашмасдан топиб бориши мумкин. Келажакда сайтнинг рус ва инглиз тилларидаги версиясини ҳам ишга тушириш ниятидаман. Бир сўз билан айтганда, jz.uz сайтини янада ривожлантириш орқали Жиззах вилоятини бутун дунёга танитишдек эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда бор куч ва иқтидоримни сарфлайман.

Ферузбекнинг эзгу ниятларига тилақдош бўлиб, келгусида jz.uz сайтининг бундан ҳам ўқишли бўлишини истаб қоламиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Кураш ва дзюдо устаси

Кумуш Йўлдошевага бугун нафақат тенгдош дугоналари, балки кўплаб йигитлар ҳам ҳавас қилса арзийди. У Хоразм вилояти Шовот туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси. Айни пайтда спортнинг бир қанча турлари билан профессионал шуғулланиб келмоқда.

Кумуш болалигидан спортга қизиқарди. Отаси қизининг бу интилишини эрта пайқаб, уни спорт мактабига олиб келди. Иқтидорини ривожлантириш учун шароит яратди.

Ҳозир Кумуш Йўлдошева Шовот қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида таълим оляпти. Эндигина ўн саккиз ёшни қаршилаган тенгдошимизнинг спортда эришган ютуқлари кўп. Дастлабки йирик ғалабасини 2010 йилда Бухоро шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги республика

чемпионатида қўлга киритганди.

2011 йилда Кумуш Хива шаҳрида кураш бўйича Халқ таълими вазирлиги соврини учун бўлиб ўтган республика биринчилигида голиб бўлди. Ўтган йили яна дзюдо бўйича ўтказилган республика чемпионатида 1-ўринни қўлга киритди. Шу йили белбоғли кураш бўйича Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 70 килограмм вазн ҳамда мутлоқ вазнда голиб бўлгани ҳаммасидан ҳам қувонарлидир.

Кумуш Йўлдошева учун бу йил ҳам ғалаба-

ларга бой йил бўлди. Кураш бўйича мамлакат чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, асосий кучини халқаро беллашувларга қўн билан тайёргарлик кўришга сарфлади. Тинимсиз машқлар, тайёргарликлар зое кетмади. У шу йил белбоғли кураш бўйича Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Ўзбекининг полвон қизи юртимиз байроғини халқаро майдонда яна бир бор баланд кўтарди.

Кураш, дзюдо ва белбоғли кураш бўйича спорт устаси бўлган Кумуш Йўлдошева бир олам орзулар қанотида ўқиб-изланмоқда. Қалби қайноқ бу қиз ўзбек спортчи аёллари сафида мамлакатимиз номини оламга таратиш истагида. Унинг эзгу ниятлари ҳамиша ушалишига тилақдошмиз.

Эрпўлат БАХТ



Кичкина деманг уларни

«Янги авлод» анъанавий болалар ижодиёти фестивали Сирдарё вилоятида ҳам катта тантаналар билан ўтказилди. Ушбу танловда ўз иқтидорини синаб кўриш учун интиляётган ёшлар сафи йилдан йилга кенгайиб борапти.

Бу йилги танловда вилоят миқёсида 2 910 нафар ўғил-қиз қатнашиш истагини билдирган. Уларнинг 307

нафари саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, танловнинг вилоят босқичида ўз истеъодларини намойиш этди.

Йигирма етти нафар ёш ижодкор танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Голибларга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўйлаймизки, ука-сингилларимиз келажакда бундан-да истеъодли, интеллектуал билимларга эга бўлган, замон билан ҳамнафас, жаҳон билан бўйлашадиган иқтидор эгалари бўлиб вояга етишади.

Элёр ЖўРАЕВ

«Биз Ватанга содиқ фарзандмиз!»

Фарғоналик ёшлар кўтаринки руҳда ўтказган фестивалнинг ушбу шиори ҳар бир йигит-қиз қалбида жаранг топди

Улкан бунёдкорлик ишлари, ҳар соҳадаги ривожланишлар оғушида тараққиёт сари одимлаётган Фарғонанинг сўлим Кўқон шаҳри бугун доимгидан-да кўпроқ завқ ва сурурга, ёшлик шижоатига тўлган. Сабаби, бу кўҳна ва навқирон, латиф шаҳар ўз замирида ҳаётга ва ёруғ келажакка ишонч руҳини акс эттирган ёшлар фестивалига мезбонлик қилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Фарғона вилоят ҳокимлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган фестивалга Кўқон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти ва бошқа олий ўқув юртрали талабалари ҳамда вилоятнинг барча туман-шаҳарларидаги касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг вакиллари жам бўлди. Марказий стадион узра давлатимиз байроғини баланд кўтариб, «Биз гиёҳандлик, терроризм, ичкиликбозлик, кашандлик, ОИТС каби иллатларга қаршимиз! Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!» дея ҳайқираётган минглаб ёшларни кўргач, Юртбошимиз, халқимиз ишонч ва умид билдираётган келажак эгаларидан кўнглингиз тўқ бўлади. Улардаги шижоат, эртанги кунга ишонч ва юрт келажакка дахлдорлик ҳиссини кўриб, келажакимиз ишончли кўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Фестивалнинг муסיқали-маданий қисми она-Ватан мад-

ҳини тараннум этувчи кўшиқ билан бошланди.

— Кўшиқларимда бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни, истиқлол неъматларини баралла куйлашга аҳд қилганман, — дейди кўқонлик ёш хонанда Маҳмуджон Сулаймонов. — Бундай шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришдан фахрланаман.

Шундан сўнг ёшларнинг кайфиятига кўтаринкилик, уларнинг эзгу режаларига илҳом бағишлайдиган куй-кўшиқлар жаранглади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Илҳом Иброҳимов, Алишер Файз, эстрада кўшиқчилари Ойбек ва Нигора, Қиличбек Мадалиев, Мухаррамой Муродова сингари истеъдодли санъаткорларнинг сара кўшиқлари ёшлар жўр бўлди.

— Энг аввало, Истиқлол фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Фарғона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейи ўқувчиси Хонзодабегим Аъзамова. — Бугунги ёшлар фестивали биз, ёшларда фахр, мустақилликка шукроналик туйғуларини жўш урдирмоқда.

— Ҳозирги тезкор замонда ҳаётимизга, онгу тафаккуримизга осонгина кириб келишга интилаётган, баъзи тенгдошлари-

мизни орамиздан суғуриб олаётган қора кучлар — иллатларга қарши фақат бирлашиб кураша оламиз, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Шаҳбозбек Мўйдинов. — Бундай фестиваллар, ватанпарварликни, турли иллатларга қарши курашишни тарғиб этувчи акция, танлов ва бошқа қатор тадбирлар биз, ёшларнинг соғлом фикрли бўлишимизга, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигимизга хизмат қилади. Фикримиз соғлом, мақсадимиз аниқ экан, ҳеч қандай куч бизни енга олмайди.

Бундай қатъий аҳдларни фестивалда иштирок этаётган ҳар бир ёшнинг юз-кўзидан ўқиб олиш қийин бўлмади. Юртбошимиз ишонч билдираётган, давлати, халқи, устози, ота-онаси умид боғлаган, орзуларига қанот бераётган бу баркамол авлод қатта ва эзгу ғоялар остида «Ўзбекистон ёшлари» деган ягона ном остида бирлашптилар. Халқимизда бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган пурмаъно ҳикмат бор. Эзгу мақсадлар, буюк орзулар билан бирлашган ёшлар халқимизнинг буюк келажак, обод ва озод ҳаёт бардавомлиги ҳақидаги орзуларини, албатта, рўёбга чиқаради.

Катта кўтаринкилик, уюшқоқлик билан ўтказилаётган бундай фестиваллар эса сизу бизни — Ватанимиз ўғил-қизларини янада бирлашишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА,
«Камолот» ЕИХ Фарғона
вилояти кенгаши
етакчи мутахассиси.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамиятини шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «**Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида**» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга 2013 йилнинг 1 ян-

варидан 2013 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаоли-

яти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2013 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz., e-mail: mmfuz@inbox.uz. fonduz@umail.uz

Ташкилий кўмита

Imkoniyat

Сурхондарё вилоятида Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун танловнинг худудий босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларида саралаб олинган 66 нафар қиз қатнашди. Иштирокчилар адабиёт, санъат, таълим, фан ва маданият йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш этди.

Муносиблар сараланмоқда

— Танловда туманимизда 57 нафар қиз иштирок этди ва беш нафари вилоят босқичига йўлланма олди, — дейди Музработ тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Фотима Нормаматова. — Ушбу нуфузли танлов қизларимизга билими, иқтидорини тўлиқ намоён этишларида имконият бермоқда.

— Танловда адабиёт йўналиши бўйича қатнашяпман, — дейди иштирокчилардан бири, Узун маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Зулфизар Худойқулова. — Назмда ижод қиламан. «Она дуоси», «Янги баҳор», «Истиқлол ғунчаси», «Капалакка таклифнома» номли шеърый тўпламларим нашр қилинган. Шеърларимнинг асосий мавзуси Ватан, устозларни эъзозлаш, юртимизда ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида. Республикамиз ва вилоят миқёсидаги бир қанча ижодий танловларда ғолиб бўлганман. Таэквондо билан шуғулланаман. Шу йил декабрда ўтказилиши мўлжалланган «Korea Open» халқаро турнирида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдим.

Бу йили танловга вилоят бўйича жами 1082 нафар номзод ҳужжат топширган. Улардан 668 нафари мактаб, 399 нафари касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ўн уч нафари талаба ва икки нафари меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

(Давоми,
аввали 1-саҳифада)

Эртанги кун тараддудини ўйлаган етакчилар барча маиший шароитларга эга оромгоҳ ётоқхонасида ўзларининг ноутбук ва нетбукларида тайёрлаб келган ишларини яна бир карра кўздан кечириб олишди. Ётоқхоналардаги маънавий ва маърифат хоналари етакчилар ихтиёрига берилди. Етакчилар эртанги кунга режалаштирилган тақдимотларининг электрон вариантларини шайлаб қўйишди. Биринчи кунданок етакчилар учун маънавий ва маърифат хоналари амалий машғулоти залига айланди. Иштирокчилар тўртта гуруҳга бўлинди. Гуруҳ номи, рамзи ва шиорлари танланди. Иштирокчилар ҳуқуқий саводхонлик ва ижтимоий-иқтисодий соҳа, маънавий-маърифий ва иқтидорли ёшлар ҳамда ёш олимлар билан ишлаш соҳаси, спорт, саломатлик, экология ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар билан ишлаш соҳаси, ташкилий, ахборот-таҳлил ва матбуот йўналиши соҳалари бўйича тақсимланган гуруҳларда амалий машғулотларда қатнашдилар.

Форум дастурига мувофиқ, эрталаб иштирокчилар ўз гу-



тилаётган мақсад ва тадбирнинг вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлиги, дунёда ёшлар маънавиятига қаратилган турли таҳдидлар, хавфлар ортиб бораётган бир пайтда эзгу мақсад,

ишмайди. Тадбирлар ташкил этиш билангина фаолияти чекланиб қолаётган ёки муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ва имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинган талабалар рўйхатини тайёрлайдиган етакчилар энди бундай иш услубларини ўзгатишмаси бўлмайди. Бугунги давр БТ етакчиларидан ҳар доимгидан ҳам фаол ва зийракликни, фидойиликни талаб қилади.

ТАШАБУС — ЕТАКЧИГА ҚАНОТ

— Форум дастурига мувофиқ, гуруҳларда ишлаб чиқилган бошланғич ташкилот иш режасига янги таклифлар тақдими етакчиларнинг баҳс-мунозараларига бой бўлди, — деди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти бошланғич ташкилоти етакчиси Аброр Раҳматов. — Етакчи этиб сайланганимга икки йил бўлди. Бироқ ёшлар ташкилотидеги фаолиятим етти йилдан зиёд. Бизнинг бошланғич ташкилот юридик мақомга эга.

2012 йилда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Камолот» ЁИҲнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори имзоланди. Унга асосан, олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотнинг янги Низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Бу эса, ёшлар ташкилоти етакчисига ҳар томонлама масъулият юклайди. Фаолиятимиз қамрови нафақат институт, балки шаҳримиз, вилоятимиз бўйлаб ёйилган. Масалан, «Комиллик сари» комплекс лойиҳамиз экология, соғлом турмуш тарзи, ҳуқуқий-ижтимоий мавзуларни қамраб олганлиги, институт профессор-ўқитувчиларининг ҳам бунда фаол иштирок этгани кўзланган натижаларга эришимизга асос бўлди.

ЛОЙИХАЛАР — МУАММОЛАР КАЛИТИ

— Лойиҳалар осмондан тушмайди, — деди Самарқанд архитектура ва қурилиш институти БТ етакчиси Зикрилла Ясоков. — Аслида атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз ёшлар ўртасида амалга ошириляётган лойиҳаларимизда акс этади. Лойиҳа содда, қисқа ва

аниқ мақсадга йўналган бўлиши керак. Етакчиларнинг лойиҳаларни ёшлар эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантиргани уларнинг ўз атрофидаги тенгдошларидан узилиб қолмаганини билдиради. Мен ўзим «1+1» лойиҳасини ишлаб чиқдим. Бирор талабани «Камолот»да биз билан ишлашга шунчаки таклиф қилганим йўқ. Талабаларимизнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларнинг ижодий ғояларини лойиҳа шаклига келтирдик. Ижодий ғоя атрофида бирлашишда, инновацион ғояларни амалга тадқиқ этишда асосий ташаббусни «Камолот»чилар билдиришди. Институтимиздаги «Инновация-интеграция» маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Иқтидорли талабаларни «Камолот» атрофида бирлаштириб, уларни рағбатлантириб бордик. Масалан, қисқа муддатда «Капалак» номли кўнгилочар марказ лойиҳаси тайёр бўлганини айтиб ўтишим мумкин. Шундан кейин бирин-кетин талабалар ўзларининг янги-янги ғояла-

қан. Бошланғич ташкилотимиз кенгаши аъзолари, университетдаги талабаларнинг қандай иқтидори борлигини яхши биламан. Талабаларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, бирор янги лойиҳани таклиф этаётганимда ким буни уддалай олишига эътибор бераман.

Университетимизнинг саккизта факультетида етти мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Шундан 866 нафари муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалардир. Улар «Посбон» ва «Жасорат» гуруҳларида фаолият олиб боради.

КУЧЛИ ЎНТАЛИК АНИҚЛАНДИ

Форум доирасида «Энг яхши бошланғич ташкилот», «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси» танлови ўтказилди. Унда етакчилар ўзларининг йиллик фаолиятлари тўғрисидаги тақдимотларини экспертлар гуруҳи олдида ҳимоя қилишди. Экспертлар гуруҳи тақдимотларни баҳолашда бошланғич ташкилотга таълим муассасасида яратилган шароитлар, ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етакчининг шахсий ташаббуслари, билим ва кўникмалари, етакчилик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратишди. Танлов натижаларига кўра, «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» номинацияси ғолиблиги Ҳаракатнинг Бухоро муҳандислик-технология институти «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Нодир Солиҳов, Термиз давлат университети БТ етакчиси Эркин Қаршиев, Тошкент ирригация ва мелиорация институти БТ етакчиси Учқун Алимов, Тошкент давлат аграр университети БТ етакчиси Шавкат Дурхўжаев, Нукус давлат педагогика институти БТ етакчиси Караматдин Гулимбетов сазовор бўлди.

Бундан ташқари, танлов доирасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танлови натижалари ҳам эълон қилинди. Ғолибликка Урганч давлат университети, Тошкент автомобиль ва йўллар институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари сазовор бўлди.

Форумда, шунингдек, Ҳаракатнинг республика етакчилар кенгаши раислигига Тошкент автомобиль ва йўллар институти БТ етакчиси Акмал Жумабоев, кенгаш раиси ўринбосарлигига Тошкент давлат аграр университети БТ етакчиси Шавкат Дурхўжаев сайланди.

Форумда фаол иштирок этган етакчиларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири.
Шоҳиста Айтбоева
олган суратлар.

Бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ олий таълим муассасаларида таълим олаётган, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган ўн беш мингдан ортиқ бошланғич ташкилотга эга. Олий таълим муассасаларида Ҳаракатнинг 74 та бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, улар 218 мингга яқин талабаларни ўз атрофида бирлаштирган.

руҳларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти, мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилмаси ва иш услубига бағишланган ўқув машғулотидеги иштирок этишди. Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари Низоми ва ташкилий тузилмасига бағишланган ўқув машғулотидега эса, етакчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Форумга малакали мутахассислардан иборат тренерлар жалб этилди. «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси тренерлари форум дастурида берилган мавзулар бўйича машғулотларни олиб боришди. Улар беш кун мабайнида етакчида бошқарув қобилиятини ривожлантириш, нотиклик маҳоратини ошириш, ёшлар психологияси, лойиҳа ишлаб чиқиш каби мавзуларда маҳорат дарслари ўтишди. Амалий машғулотларда эса, етакчилар ўзларининг бевосита фаолиятига тааллуқли лойиҳаларнинг ҳужжатлар тўпламини яратишда анчагина тер тўкишларига тўғри келди. Бундан ташқари, ёшлар муаммолари ва таклиф-истакларини ўрганиш усуллари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда БТлар масъулиятини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган талабалар билан ишлаш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби мавзулар қамраб олинди.

Форумнинг расмий очилиш маросимида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев сўзга чиқиб, бошланғич ташкилот етакчиларининг илк форумини ўтказишдан ку-

Ватан равнақи йўлида бирлашишимиз зарурлигини таъкидлади.

Форум иштирокчиларига иккита янгилик айтиб ўтилди. Биринчиси, бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув услубий қўлланманинг яратилгани ва иккинчиси, бошланғич ташкилот етакчилари ва факультет етакчилари учун устама микдорнинг оширилгани бўлди. Эндиликда БТ етакчиларига янги йилдан бошлаб энг кам иш ҳақининг уч баробари, факультет етакчиларига эса, энг кам иш ҳақининг бир баробари микдорида устама тўланади.

Шунингдек, Форумнинг очилиш маросимида қатнашган Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ботир Усмонов минглаб талабалар таҳсил олаётган олий таълим даргоҳларидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари тенгдошларидан ташаббускорлиги, илғор фикрлаши, иқтидори ва етакчилик қобилияти билан ажралиб туриши лозимлигини таъкидлади.

ЕТАКЧИЛАР, ЁШЛАРГА МОСЛАШИНГ

— Ўқув машғулоти давомида тренерлар айтиб ўтганидек, бу шиорни ҳар бир етакчи ўз иш столига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйиш тарафдориман, — деди Тошкент вилоят давлат педагогика институти «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Шаҳноза Раҳмонова. — Раҳбарият ёки «Камолот»нинг худудий ёки маҳаллий кенгашларидан бериладиган вазифаларни кутиб ўтирадиган етакчини бежиз «қотиб қолган етакчи» дей-

Нодира сочини кесмайдиган бўлди

Эртага институт талаба-қизларининг «Ораста қизлар» танлови. Муборакхон қизи Нодиранинг узун, қоп-қора сочларини майда қилиб ўриб қўйди.

— Сананг-чи, ойи, нечта бўпти? — қизикди Нодира.

— Бир юз тўрт дона чиқибди, — деди ойиси ва ҳар галгидек соч ўримларини тенг иккига бўлиб қизининг бошига чамбаракдек айлантириб, «сенга куёв, менга палов», дея силаб қўйди.

— Нега ҳар гал шундай дейсиз, ойи, бунинг маъноси нима? — қизикиб сўради қизи.

— Бу момоларимиздан қолган удумлардан. Бу орқали қизларга бахт тиланади.

Ҳаммаси бир хил, бежирим қилиб ўрилган сочидан завқланган Нодира танловга кўтаринки руҳда кетди. Танловда у «Энг кўп ўримли соч» номинацияси ғолиби бўлди. Саҳнада ғолиблар қаторида унинг ҳам номи эълон қилинганда севинч ва ҳаяжондан энтикиб қўйди: «Бу хушxabардан ойижоним кўпроқ хурсанд бўладилар».

— Ойижон, табриклайман, — деди Нодира уйга кираркан.

Муборакхон танловда қизининг ғолиб бўлганини пайқаб, мен сени табриклайман, дея қизининг пешонасидан ўпди.

Шу пайт эшик жириглаб, Нодирани ўртоғи Мадина чақириб қолди. Ойисидан рухсат сўраб, қизлар кўчага чиқишди.

Ҳаял ўтмай, уйга қайтган Нодиранинг бояги хуш кайфиятидан асар ҳам йўқ эди.

— Ойи, бўлди, сочларимни бошқа майда ўрдирмайман. Кўчадаги қизлар, замондан орқада қолган, содда қиз, дея устимдан кулишди, — деди ўпкиси тўлиб Нодира.

— Бекорга хафа бўляпсан, нахотки, устозларингга ёққан сочларинг бу қизларга ёқмаган бўлса?

— Ахир, улар «модний» қизлар-да. Сочлари калта кестирилган, бириники сариқ, бириники қизил рангга бўялган. Мен уларнинг олдида хилолат бўлдим.

— Эҳ, ўзимнинг ораста қизим-а. Улар хафа бўлишингга арзимайди. Биласанми, сочини кимлар ҳар хил рангга бўяйди?

— Ҳа, бунақалар ҳақида эшитганман, ўқиганман — тушунчам бор, — деди Нодира хушёр тортиб.

— Яқинда бир гуруҳ зиёли аёллар биргаликда пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонидан ўтиб кетаётгандик. Сочларини қизил-қорага бўяб олган, ғалати кийинган уч-тўртта қизга кўзимиз тушди. Йигитлар у қизларга гап отиб ўтиб кетяпти. Яна бир-иккитаси қизларга ўралашиб қолиб, эрмак қияпти. Орамиздаги Фарида опа бу ҳолатга индамай ўтиб кетолмади. Йигитларнинг олдида бориб: «Хўш, ўғлим, шу қизга уйланасанми, ўзинг?» деб сўради. Йигит: «Э, қизикмисиз, шунчаки эрмак-да. Бунақа қизларга ким ҳам уйланди», деб жавоб берди.

— Сени майда ўрилган сочларингни масхара қилган қизлар ҳам шундайлардан-да. Ёш қизлар сочини турли бўёкларга бўяйверса, сочи тўкила-

ди, ўз жилосини йўқотиб, хира тортади. Бизга оналаримиз, ҳатто, тараганимизда тушадиган сочларни ҳам оёқ остига ташламасдан, мевали дарахт тагига кўмиш лозимлигини, бўлмаса бош оғрийдиган бўлиб қолишини ўқдиришарди. Баъзи қизлар эса ўзларича озодалик санаб сочларини кунда ёки кунора турли шампунларга ювишади. Оқибатда, соч илдизлари қуриб кетади, учи «гуллайдиган» бўлиб қолади. Илгари момоларимиз сочларини қатиқлаб ювишни кунда қилмаган. Қатиқ соч илдизини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг сочлари тақимини ўпиб турган, хуснига ҳусн қўшган. Нафақат ҳусн, обрў ҳам саналган. Узун соч кўрганда кишининг ҳавасини келтиради, завқ бағишлайди. Шоирлар ҳам бу ҳақда кўплаб ғазаллар битган. Достон, эртақлардан ҳам йигитларни узун сочлар мафтун этганини биламиз.

— Ҳа, ойижон, бугун йўлда кетаётсам, чет эллик бир сайёҳ аёл ҳам инглизчада, майлими, деб сочимни ушлаб кўриб, чи-

ройли, деди. Институтда кўпчилик қизлар, вой узунлигини, чиройлилигини, дея ҳаваси келди. Йўл бўйи бундай сўзларни кўп эшитдим. Танловда суратга олаётган фотограф эса, сочингиз сунъиймасми, дея синчиклаб «текшириб» кўрди. Сиз кичкиналигимдан сочимни қатиқлаб парваришлагансиз-ку. Сизнинг меҳнатингизни қадрлайман, ойижон, — деди Нодира.

— Ана энди ўзингга келдинг, қизим. Замонавийлик фақатгина сочни калта кестириб юриш ёки очиқ-сочиқ кийинишда эмас. Замонавийлик — инсоннинг юриш-туришида, одобида, муомаласида. Ҳалиги ўзларини «замонавий» санайдиган қизлар маънавиятли, миллий қадриятларимизни қадрлайдиган қизлар бўлганида сени хафа қилишмаган бўлишарди.

— Ойижон, мен энди сочларимни ҳеч қачон кестирмайман. Нодиранинг этагини тўлдириб турган бир юз тўртта соч толими бу гаплардан бир тўлғониб кетди.

Майсапа НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси Сурайё Халилова каштачилик ва попопдўзлик билан бир неча йилдан бери шуғулланади. Ҳозирда у коллежининг «Нақшлар жилоси» тўғрагида ўнлаб тенгдошларига кашта тикиш ва попопдўзликни ўргатиб келмоқда.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

Ота-оналар масъулияти янада ошади...ми?

Сайхунобод туманидаги 1-мактабда «Ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш, диний экстремизм, ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сайхунобод тумани кенгаши ўтказган ушбу тадбирда туман ички ишлар бўлими, туман имом хатиби, маҳалла раислари, ота-оналар ҳамда ўқувчилар қатнашди. Тадбирда мобил телефонлар, интернет орқа-

ли тарқалаётган турли салбий ҳолатлар, ёшлар орасида рўй бераётган хунук воқеалар ҳақида сўз борди. Бу ҳақда ота-оналар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ўқувчиларнинг дарс-

дан бўш вақтларини ва уларнинг тарбияси, одоб-ахлоқини назорат қилишда ота-оналарнинг ҳам масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлашди.

Элёр ЖўРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

Bilib qo'ygan yaxshi

Илгари узоқдаги дўстлар, оила аъзолари ва қариндошлар хат орқали бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлган. Бугун биз кўпроқ кўл телефонларию интернет орқали хат ёзишамиз. Лекин аввалгидек қоғозли хат ёзишнинг ҳам ўз гашти бор.

Филателия қандай соҳа?

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг илк бор Нодирабегим сиймоси туширилган почта маркаси чоп этила бошлади. Бу ўзига хос тарихий воқеа эди. Кейинчалик Ўзбекистон герби ва байроғи акс этган маркалар нашр этилди. Турли сана ва юбилейлар муносабати билан ҳар йили янги почта маркалари чиқарилади. Масалан, 1994 йил Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига, теннис бўйича Халқаро Президент кубоги мусобақаларига бағишлаб почта маркалари чиқарилган. Ўтган йиллар давомида республика мейморий ёдгорликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини акс эттирувчи почта маркалари ҳамда «Буюк Ипак йўли» туркумидаги тўпламлар нашр этилиб, почта корхоналарига етказиб берилди. 1995 йилдан хорижий давлатлар билан республика почта маркалари айирбошлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, маркаларимиз давлатимиз рамзи сифатида кўпгина мамлакатларда ўтказилган жаҳон филателия кўргазмаларига қўйилган.

Қадимда одамлар бир-бирлари билан хат жўнатмаларини турли шаклда олиб боришган. Хусусан, Ўрта Осиёда турли карвон йўллари орқали, чопарлар хизмати, кабутарлардан фойдаланиб ва бошқа усуллар ёрдамида хат-хабарлар алмашилган. Давлатлар орасида чопарлар қатнови йўлга қўйилиб, улар олиб келган хат ва ҳужжатларга давлат муҳри босилган.

Почта маркасини мамлакатнинг ўзига хос ташриф қоғози дейиш мумкин. У нафақат хат жўнатмалари учун тўлов усули, балки мамлакат ҳақида, унинг тарихи ва маданияти, буюк намоёндалари, флора ва фаунаси (ўсимлик ва ҳайвонот олами) ҳақида маълумот берувчи манба вазифасини ҳам бажаради.

Филателистлар жамияти юртимизда ҳам фаолият кўрсатади. Почта маркаларини тўплашга қизиқувчи кўплаб юртдошларимиз шу жамиятнинг аъзоларидир. Лекин ёшлар орасида филателияга қизиқувчилар кам. Балки уларнинг эътиборини ҳаётимизни қамраб олаётган техника-технологиялар, турли интернет сайтлари ва компьютер ўйинлари кўпроқ тортаётгандир. Ҳар ҳолда тенгдошларимизда филателия соҳасига иштиёқ уйғотиш юртимиз тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва санъатига қизиқишини оширишга олиб келади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Уни саҳро кемаси дейишади

Учқур автоуловда саҳро ҳудудлардан ўтар экансиз, атроф бир қадар зерикарликдек туюлади. Бугунги замонда қулоғимиз шовқинларга, кўзимиз турфа манзараларга ўрганиб қолган эмасми, қуёш нурида жимирлаб турган чўл жойлардаги деярли бир хил манзарадан... уйқунгиз келади. Лекин биз шошилмасликни сўраган бўлардик. Негаки, ўша сизга кўримсиз туюлган жойларнинг ғоятда ҳаяжонли, нодир манзаралари ҳам бор. Экзотика! Болалигингизда рангли китобларда суратини кўрганингиз, тарихий асарларда ўқиб, тасаввур қилишга ҳаракат қилганингиз ноёб жонивор — туяларга кўзингиз тушади!

Дунё мўъжизаларга бой. Қип-қизил саҳро, соатиға юз километр тезликда елиб бораётган машинангиз ойнасида қараганда, у ерларда на бир гиёҳ, на бир чўп бордек кўринади. Бироқ туялар шу жойларда ўз ризқини териб юрган бўлади! Масалан, Қаршидан Бухоро сари отланиб, Муборак тумани ҳудудидан ўтаркансиз, йўлнинг икки томонида ўтлаб юрган туялар уюрини кўрасиз.

— Бу жониворлар «Муборак» давлат наслчилик қорақўлчилик ширкатининг туячилик фермасиники, — дейди ҳамроҳимиз, — дейди ҳамроҳимиз, — дейди ҳамроҳимиз, — дейди ҳамроҳимиз, — дейди ҳамроҳимиз. Бу ферманинг мудири Барот Жўраевнинг ўзи жуда моҳир чорвадор. Молнинг қадрига етади. Билишимча, чорвадорлик Баротжонга отасидан ўтган. Ота-

си Тўхтақул Жўраев ҳам моҳир чорвадор. Туячилик фермасини узоқ йиллар бошқарди. Бугун унинг ишини ўғли давом эттиряпти.

Нафас бобо билан чорвачилик сирлари ҳақида суҳбатлашиб, фермага етиб борганимизни билмай қолибмиз.

Фермадаги иш жараёнини кузатаётиб, хаёлимга бир савол келди. Хўш, Тўхтақул бобо нега айнан туябоқарликни танлаган экан?

— 75 ёшли Тўхтақул бобо ярим асрдан ошиқ вақт чорвачилик билан шуғулланди, — дейди ширкат раҳбари Олим Оқмаматов. — Нафақат ўз касбу кори билан, инсоний фазилатлари билан ҳам бу киши қишлоқ аҳлининг ҳурматини қозонган. Отахон йигирма беш йил туячилик фермасини бош-



Inson va tabiat

Эшмурад МИРЗАЕВ оғлининг сурати

қариб, пенсияга чиқдилар.

— Асли Миришкор туманининг Жейнов қишлоғиданмиз, — дейди юзидан нур ёғилиб турган нуруний чорвадор Тўхтақул Жўраев. — Энди, бўтам, туя бир бошқача жониворда. Баракали, файзли, кўрган кўзни яшнатадиган жонивор бу туя дегани. Жуни ҳам, сути ҳам фойда. Қолаверса, мана, Олимжон айтганидай, йигирма беш йил туячилик билан шуғулландим. Шунинг орқасидан оила боқдим, болаларни катта қилдик, уйладик. Кам бўлганимиз йўқ. Умрим Муборакнинг Ширибулоқ яйловларида ўтди. Бир ишга меҳр қўйсанг, ундан баракка топсанг, шуям катта давлат-да, ўғлим.

— Туя боқилиши ҳам ўз сирлари бўлса керак? — сўз ташлаб қўяди ҳамроҳим Нафас Мамашоев.

— Туя боқилиши устоз чорвадорлар Ойимхон Беримхонов, Марат оға Бойтимовлардан ўрганганман. Улар билан ўн йил навбатма-навбат ишлаб, туяларни парвариш қилиш сирларини ўргандим.

Бугун мазкур фермада икки юз бош туя ва бўта-

лоқ парваршланаяпти. Тўхтақул бобонинг айтишича, битта туя 420 кунгача сут беради. Ҳозир фермада ўнта соғин туя бор.

— Туя сути кўп дардга даво, — дейди туябоқар Тўхтақул ота. — Туялар одатда бир ёки икки ўркакчи бўлади. Икки ўркакчисидан 150 килограммгача ёғ тўпланади. Ҳар биридан йилига 8-12 килограмдан жун қирқиб оламиз. Боя айтганимдай, туядек баракали ҳайвон йўқ.

Чорвадорнинг гапида жон бор. Бу жонивор емиш танламайди. Кучли ва ниҳоятда чидамли. Уни ўтмишда бежиз саҳро кемаси, дея эъзозламаганларига туяни бир бор бўлсин, олтидан кўрган киши амин бўлади.

Бугун туя ўтмишда қолиб кетган, ҳаётимизда аҳамияти қолмаган жонивор эмас. Унга ҳамон эҳтиёжимиз бор. Негаки, у ҳам табиат инъоми, борлиқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Келинг, азизлар, она табиатнинг барча бойликларини асраб-авайлайлик, қадрига етайлик.

Шавкат КАРОМОВ

Табиий газдан тўғри фойдаланилса...

Mutaxassis ogoh etadi

Кейинги пайтларда айрим фуқароларнинг табиий газдан ноқонуний, ҳеч қандай хавфсизлик қоидаларига риоя этмасдан фойдаланиш ҳолатлари учраяпти. Бундай хунук ҳолатларга иссиқхона, новвойхона, сомсахона ва бошқа маиший савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса аҳоли учун мўлжалланган газ миқдорининг етишмаслиги ҳамда нотўғри фойдаланиш оқибатида газ билан боғлиқ ёнғин ва портлашлар юз беришига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан республикамизда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, қоидага зид равишда қўлда ясалган мосламалардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаб, уларни бартараф этиш

мақсадида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, тегишли идоралар ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда шу кунга қадар 268 та гуруҳ тузилди, улар 13 мингдан зиёд корхона, муассаса ва хўжаликларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилди. 11 мингдан ортиғи мавсум олтидан ўрганиб чиқилди.

Олиб борилган профилактик ишлар давомида 28 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар текши-

рилиб, камчиликлар бартараф этилди.

Ўтган ўн ой ичида содир бўлган ёнғинлар таҳлил қилинганда, фуқароларнинг айнан газ ускуналаридан нотўғри фойдаланишлари, газ плиталарини ёқиб иситиш ҳолатлари ёнғинларга сабабчи бўлгани аниқланди. Оқибатда қанча-қанча хонадонларга моддий ва маънавий зарар етган.

Умид қиламизки, юртдошларимиз ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш ҳаётини зарурат эканини яна бир бор англаб етадилар. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўтказётган тарғибот ишларига эътибор қилиб, хавфсизликка амал қилинса, содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

Жаҳонгир ТУРОПОВ,
ИИБ ЁХББ муҳандиси,
катта лейтенант



Стоматологлар учун

Янги Зеландияда ўтказилган дунё шифокорлари анжуманида стоматологларнинг кариесни нотўғри даволаб келишгани маълум қилинди.

Улар кариес ўрнини пармалаб, сўнгра пломба қўйишар эди. Айнан шу пармалаш жараёнида шифокорлар хатога йўл қўйган. Буни амалда кўриш учун комиссия аъзолари анжуман ўтаётган мамлакат стоматологларининг ишини кузатди. Улар тишни аслидагидан каттароқ тасаввур қилиб, пломба учун мўлжалланган кавакни керагидан ортиқча пармалашди. Бу эса, ўз навбатида, тишнинг дарз кетишига сабаб бўлади. Тиш дарз егандан сўнг уни даволашнинг иложи бўлмайди, протезга алмаштириш керак. Стоматолог-мутахассислар барча ҳамкасбларини аниқ ҳисоб-китобга таяниб ишлашга чақиради.

Янада яхши

«Apple» компанияси ўзининг уяли телефон аппаратлари — «iPhone»нинг янги моделларини анча йирик ва ботиқ ҳолда чиқаришини маълум қилди.

Корпорация вакиллари берган маълумотга қараганда, «iPhone» маҳсулотлари келаси йилнинг иккинчи ярмидан диагонали 4,7 ва 5,5 дюйм ҳолида чиқарилади. Шунингдек, янги авлод қўл телефонлари бармоқнинг босиш кучини аниқлаши, бармоқни шундоқ теккизиш билан ишлайдиган пин-кодлар билан ажралиб туради. Эслатиб ўтамиз, «Apple»нинг рақобатчиси «Samsung» ўзининг илк ботиқ экранли телефони — «Samsung Galaxy Round»ни октябрь ойида тақдим этган эди.

Жиддий муаммо

Филиппиндаги «Хайян» тўфони натижасида ҳалок бўлганлар сони ўн мингдан ошиб кетди.

Ўн миллионга яқин одам турли даражада жабр чекди. Бедарак йўқолганлар сони кундан-кунга ошмоқда. Тўфон Филиппин марказидаги Самар ва Лейте ороларини вайрон қилган. Шамолнинг тезлиги секундига ўртача 76 метрдан 105 метргача. Кучли шамол натижасида кўтарилган тўлқинлар баландлиги беш метрни ташкил этган. Филиппин Президенти Бениньо Акино мамлакатда етишмовчилик ҳолатини эълон қилди. Айни пайтда мамлакат бир қанча давлатлардан инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилмоқда. «Хайян» тўфони Филиппин тарихида энг кучли тўфон бўлди.

Авиаҳалокат

Индонезияда вертолёт ҳалокати сабаб, ўн уч киши ҳалок бўлди.

Мамлакатнинг бир қисми ҳисобланган Борнео оролининг Жунгли қисмига қулаган вертолёт бортида 21 нафар ҳарбий-қурувчи бўлган. Бортида 500 килограммга яқин ёғоч бўлган, шу сабаб катта ёнғин ҳам чиққан. Тирик қолганларнинг деярли барчаси қўйган. Аксариятининг аҳоли оғир. Ҳозирча мамлакат ҳукумати томонидан воқеа сабаблари ошкор этилмаяпти.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади.

Наъматакдан шифобахш ичимлик тайёрлаш мураккаб эмас. Уни ҳар бир тенгдошимиз талабалар тураржойида, уйида, ишхонада тайёрласа ҳам бўлади. Эллик тўрт йилдан буён фармацевтика соҳасида ишлаб келаётган Шермат Қобилловни нафақат Нишон туманида, балки Қашқадарё вилоятида ҳам яхши билишадди. Бу отахон 74 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳамон йигитлардек ғайратли, тиниб-тинчимас, ҳамини янгилликка интилиб яшайди. Балки ҳамини наъматак ичимлигини истеъмол қилгани учун шундайди.



Tabiiy ne'matlar

Минг дардга даво

Таллимаржон шаҳар дорихонасини бошқариб келаётган Шермат бобо йигирма йилдирки, дорихонанинг ярим гектарлик ҳовлисида ўз жамоа аъзолари билан наъматак парваришлаб келади. Бу ерда йилига икки тоннадан зиёд шифобахш неъмат етиштириб олинган.

— Наъматак ичимлигининг жигар, буйрак, ўт пуфаги, ошқозон-ичак, одам организмидаги қонни тозалашда ҳамда фаолиятини яхшилашда фойдаси бекиёс, — дейди кекса доришунос. — Унинг таркибида микроэлементлардан темир, марганец, фосфор, кальций ва магний учрайди. Наъматак мевалари асосида наъматак шарбати, наъматак балзами каби кўплаб доривор воситалар тайёрланиб, улар синган, камқонлик, гемофилия, атеросклероз касалликларини даволашда муваффақиятли қўлланилмоқда. Бизнинг дорихонамизда ҳам наъматакдан шифобахш ичимлик дамламаларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

С витамини наъматак мевасида қора смородина мевасидан ўн марта, лимондан эллик марта, олмадан юз марта кўпроқ учрайди. Наъматак мевасида оксидловчи ферментлар учрамаслиги сабабли С витамини узоқ вақт парчаланмасдан сақланади.

Шавкат КАРОМОВ



Ғалаба яқин

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Вьетнам ва Гонконг жамоаларига қарши «Осиё Кубоги — 2015» саралаш ўйинларига тайёргарликни бошлади.

Миржалол Қосимов шогирдлари 15 ноябрь куни Ханойда Вьетнам термасига қарши майдонга тушса, 19 ноябрь куни меҳмонда Гонконг футболчиларига қарши майдонда тўп суради. Миллий терма жамоамиз айна дамда саралашнинг «Е» гуруҳида 4 очко билан 2-ўринда бўлса, уч ўйинда учта ғалабага эришган БАА терма жамоаси гуруҳда етакчилик қилмоқда.

Футболчиларимиз бугундан Вьетнамда машғулотларни бошлайди.

Теннисдаги муваффақиятлар

Туркияда ўтказилган теннис бўйича халқаро мусобақанинг аёллар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Нигина Абдураимова ва италиялик Мария-Елена Камерин ғалаба қозонди.

Теннисчимиз шериги билан руминиялик Лаура-Иоана Адре ва россиялик Полина Лейкина, лихтенштейнлик Стефание Вогт ва чехиялик Рената Воракова, туркиялик Башак Эрайдин ва Мелис Сезер, словениялик Тадея Мажерич ва руминиялик Андреа Митуни мағлуб этди. Шунингдек, Қозогистондаги ўсмирлар ўртасида бўлган теннис бўйича халқаро турнирда ўн беш ёшли спортчимиз Жўрабек Каримовга тенг келадигани топилмади. Спортчимизнинг Бейбет Жукаев, Павел Петров, Одил Калиакбаров, Жонсултон Чембўтаев, польшалик Михал Дембек ва грузиялик Шота Мепаридзедан қўли банд келди.

Жавоҳир КАРОМатов,
«Turkiston» муҳбири

Виласизми?

БИРИНЧИ ВЕЛОСИПЕД

Велосипед — лотинча velox — тез ва pedis — оёқ сўзларидан келиб чиққан. Сабоби билан қизиққанмисиз, нега айнан «тез оёқ» бирикмаси бу транспорт воситасининг номи бўлиб қолган?

1818 йилда Барон Карл Драйс биринчи велосипедни ясади. Кўриниши ҳозирги велосипедларга ўхшар эди-ю, ҳаракатланишида фарқ бўлган. Яъни одам эгарда ўтириб олганча, оёғини ерга тираб, уни юргизган. Фақат орадан ярим асрлар ўтиб, педал кашф қилинган.

ШАМОЛ ТЕЗЛИГИДА

Бугун соатига 220-240 километр тезликда «уча» оладиган ўзбек автомобилларига дунё ҳавас қилади. Пойгалар учун махсус ишлаб чиқариладиган шундай машиналар ҳам борки, уларни кўриб ҳайратланасан, киши. Соатига 300-320 километрлаб тезликда ҳаракатланади бундай машиналар. Лекин биласизми, ушбу автомашиналарнинг «бобоси» соатига неча километр йўл боса олган? 15 километр. Ҳа, илк автомобилларнинг тезлиги соатига шунча километр бўлган.

Ўлмасбек МАХМАРАЙИМОВ тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Оққўнғил одамнинг оти ҳам озмас,
Тўни ҳам тўзмас.

Ўзбек халқ мақоли

↓	Қозон ўтхонаси	↓	Билиб туриб, журттага	↓	«Лайли ва ...» (Достон)	↓	Соч қуритиш ускунаси	↓	2			6		4	5	2	
↗					Орол, Индонезия		Мис чилвир		6	8							
	Туфли тозалаш анжуми		Сўзлар бирикмаси	→					1			5	6	2		8	
↖					Қисм (русча)		Миллиметр қисқача	→				4	1	9			
	Дарахт тури		Айғоқчи, жосус	→	Устаси фаранг				9							3	
↖							Узум нави	↗								Дециметр қисқача	
	Юз кг. ўлчови		Усти ёпиқ бозор		Ҳинд олимпиа	→		↓	Тропик қовун		Балиқ номи		Эски пахта		Газета нусхаси, тираж		
	Қатра	→					Турк, афт	→						...	сингил	Кумуш лақаби	
	6	1	3		8				Уй қисми		Ада (шева-да)	→					
2					7		3	↖									
		3		5		9		...	Чиройли ҳашорат	→						... ким экканини урар	
	4																
	2		7		8		2	↖					...	ла, ...тин	↖		
									Дарё, Жан. Америка		Муслиқий йўналиш	↗		Саман, қорабайир	↖	...у-паймон	
1			3		5												
9			8				7										
		2		1	4	6			Ла... (шаҳар)	→			Муҳаммад... (боксчи)	Кимвий унсур	→		Бензин тури

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6996



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева
Дилбар
Эркиновна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоסי келишилган нархда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 7760
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6